

**“Янги ижтимоий шартнома: Европа ва Марказий Осиё  
касаба уюшмалари нигоҳида” мавзусидаги Тошкент  
халқаро конференциясининг  
РЕЗОЛЮЦИЯСИ**

2024 йил 12-13 ноябрь

Тошкент, Ўзбекистон

Дунёда жадал технологик ўзгаришлар ва мисли кўрилмаган иқлим офатлари келтириб чиқараётган катта трансформация жараёни кечмоқда.

Минтақада кузатилаётган чуқур қайта шаклланиш, жумладан, геосиёсий кескинлик ва можаролар, шунингдек, технологик ўзгаришлар каби узоқ муддатли жараёнлар ўнйилликлар давомида амалда бўлган ижтимоий шартномаларга тузатиш киритиш заруратини ҳам юзага келтирмоқда. Жумладан, мазкур ҳужжатлар бугунги замоннинг асосий муаммоларини ҳал этиш учун қандай мослашишга юз тутиши кераклиги муҳокамалар мавзусига айланмоқда. Бундай мунозараларда ўзгаришлар суръатига мослашиш, технологик инновацияларнинг салбий оқибатларини юмшатиш ҳамда меҳнат соҳасидаги беқарорликка қарши туриш масалалари биринчи ўринга чиқмоқда.

Тенглик, адолат, инклюзивлик ва ходимларга ўзлари ва оилалари учун муносиб ҳаёт кечириш имконини берувчи воситалардан фойдаланиш имконияти ижтимоий ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга.

Ҳозирги нотинч шароитда амалдаги ижтимоий шартномани ва меҳнат соҳаси субъектлари мажбуриятларини янгилашнинг объектив зарурати мавжуд.

Ижтимоий шартномани янгилаш тарихий тамойилларни сақлаб қолишни ҳамда нормалар, сиёсат ва институтларни ўзгарувчан глобал муҳитга мослаштириш учун мавжуд воситалардан фойдаланишни тақозо этади.

Европа ва Марказий Осиё минтақаси мамлакатлари турли муаммолар ва хавф-хатарларга дуч келмоқда, уларнинг аксарияти ўхшаш ва ўзаро боғлиқдир. Ушбу муаммоларни ҳал қилиш учун халқаро ва минтақавий даражадаги ҳаракатларни мувофиқлаштириш чораларини кўриш талаб этилади.

Янги ижтимоий шартнома самарали бўлиши учун миллий ижтимоий шартномаларда мустаҳкамлаб қўйилиши ва муайян миллий ҳолатлар ва устуворликларга мослаштирилган бўлиши зарур, шунингдек, у умумий глобал тузилмага ва халқаро миқёсда келишилган меъёрларга интеграциялашган бўлиши лозим.

Ижтимоий адолат ҳар қандай ижтимоий шартноманинг негизини ташкил этади. Ижтимоий шартноманинг самарадорлиги, қонунийлиги ва мослашувчанлиги унинг муносиб меҳнат орқали ижтимоий адолатга эришишни таъминлай олишига боғлиқ. Бинобарин, “Барча учун ижтимоий адолат” ғоясини илгари суриш жараёнида ижтимоий шартномани янгилаш зарурати пайдо бўлди.

**“Янги ижтимоий шартнома: Европа ва Марказий Осиё касаба уюшмаларининг нигоҳида” мавзусидаги халқаро конференция** иштирокчилари глобал ўзгаришлар юз бераётган ҳозирги замонда ижтимоий адолатни таъминлаш учун ижтимоий шартномани янгилаш сиёсатини белгилаб олиш зарур, деган хулосага келдилар.

Биз, халқаро конференция иштирокчилари, касаба уюшмаларининг фуқаролик жамияти ва реал иқтисодиётнинг энг ваколатли субъекти сифатидаги овози бутун дунё ҳукуматлари ва иш берувчилар ташкилотлари томонидан эшитилиши керак, деб ҳисоблаймиз.

Конференция янги ижтимоий шартнома янада барқарор иқтисодиётга адолатли ўтиш зарурлигини тан олиши керак, деган хулоса қилади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Конференция қуйидаги устувор йўналишларга эътибор қаратишни тавсия қилади:

### **1. Инсон ҳуқуқларига, хусусан, меҳнат соҳасидаги асос солувчи тамойиллар ва ҳуқуқларга риоя этиш**

Халқаро меҳнат ташкилотининг ўнта конвенцияси меҳнат соҳасидаги асос солувчи тамойиллар ва ҳуқуқлар белгилаб берган энг кам даражанинг бир қисмини ташкил қилади.

Айни пайтда, бошқа ҳуқуқлар, яъни иш вақтини чеклаш, ходимлар ва уларнинг оила аъзолари учун муносиб турмуш даражасини таъминловчи иш ҳақи, ижтимоий таъминот, оналикни муҳофаза қилиш ҳамда тегишли озиқ-овқат, кийим-кечак, уй-жой ва таълим олиш имконияти ҳам худди шундай муҳим ижтимоий ҳимоя чоралари ҳисобланади.

Ижтимоий ривожланиш бўйича Иккинчи Жаҳон саммити олдидан кўп томонлама даражада келишилган саъй-ҳаракатлар ҳукуматлар томонидан қўллаб-қувватланмоқда.

Ўзининг ижтимоий шериклари билан бир қаторда касаба уюшмалари ҳам халқаро мажбуриятлар жойларда реал ўзгаришлар билан мустаҳкамланишига масъулдирлар.

**Халқаро меҳнат ташкилотининг асос солувчи тамойилларига таяниб, касаба уюшмалари бандлик мақомидан қатъи назар, барча учун адолат, тенглик ва фаровонлик ғоясига ўзларининг жамоавий содиқлигини эълон қиладилар.**

**Ҳимоя чораларининг кенгайиши Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясини янги таҳрирда қабул қилиниши мақсадга мувофиқлигини келтириб чиқаради.**

## **2. Инклюзив ва самарали бошқарув**

Иқтисодий, ижтимоий ва экологик мақсадлар ва ҳар доим ҳам табиий равишда бир-бирини кучайтирмайдиган бошқа мақсадлар ўртасида сиёсат уйғунлигига эришиш жуда муҳимдир.

Миллий ва жаҳон миқёсида иқтисодий сиёсатни ишлаб чиқиш жараёнига бандлик ва ижтимоий устуворликларни киритиш янги ижтимоий шартноманинг барқарорлиги ва самарадорлигининг муҳим жиҳати ҳисобланади.

Ўнлаб йиллар давомида олиб борилган либерал иқтисодий сиёсат натижасида хусусийлаштиришга, меҳнат бозорини тартибга солиш ва молиялаш механизмлари издан чиқишига ва давлатнинг иқтисодиётдаги ролининг пасайшига олиб келди.

Бу каби сиёсат баъзан иқтисодий ўсишни рағбатлантириши мумкин. Лекин жараёнлар тўғри тартибга солинмаса, бундай ўсиш муносиб меҳнат шароитлари ва ходимларнинг ҳуқуқлари эвазига амалга оширилади ёки зарур бўлган иш ўринларини яратмайди.

**Касаба уюшмалари меҳнат соҳасини бошқариш тизимини ислоҳ қилиш, шунингдек, фискал сиёсатни ўзгартириш, жисмоний шахслар даромадига солиқ солишнинг прогрессив шкаласини жорий этиш, қўшилган қиймат солиғининг ижтимоий масъулиятли ставкаларини қўллаш ва ижтимоий корхоналарга имтиёзлар беришни ёқлаб чиқадилар.**

### **3. Тўлиқ, самарали ва эркин танланган бандликни яратувчи сиёсат ва стратегиялар**

Технологик тараққиёт иқтисодий ва ижтимоий тараққиётнинг асосий омили ҳисобланади.

Янги технологиялар ва сунъий интеллектнинг жорий этилиши ўрта муддатли истиқболда иш ўринларининг қисқаришига олиб келади.

Яқин келажакда транспорт, соғлиқни сақлаш, таълим, фан, санъат, давлат хизматлари, савдо, адлия ва бошқа соҳаларда инсон иштироки кескин камайиши кутилмоқда.

Сунъий интеллект каби технологиялар иш жойида қарорлар қабул қилиш борасида раҳбарият ва ходимлар ўртасидаги муносабатларни тубдан ўзгартирмоқда.

Ишлаб чиқаришнинг янги шакллари ва компания моделлари пайдо бўлиши мавжуд меҳнат нормалари билан боғлиқ муаммоларнинг кескинлашувига олиб келмоқда. Шунингдек, меҳнат институтларини бошқаришнинг асоси сифатида ишлаб чиқариш муносабатларининг марказий ролини шубҳа остига қўймоқда.

Меҳнатнинг шакл-шамойили ўзгариб янада беқарорлашиши натижасида иқтисодий қалтисликлар ходимлар гарданига кўпроқ тушмоқда.

Ушбу муаммони ҳал қилиш 2025 ва 2026 йилларда бўлиб ўтадиган Халқаро меҳнат конференциясида платформа иқтисодиёти стандартлари бўйича бўлажак муҳокаманинг асосий мақсади ҳисобланади.

Корхоналарнинг технологик ютуқлардан фойдаланиш имкониятлари ҳатто бир минтақада ҳам сезиларли даражада фарқ қилади. Бир томондан Европа ва бошқа томондан Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида рақамли технологияларни жорий қилишда сезиларли тафовут мавжуд.

Жаҳон иқтисодиётининг ўзаро боғлиқлиги одамлар ва товарларнинг миллий чегараларни тан олмайдиган таъминот занжирлари орқали ҳаракатланишини ўз ичига олади, бунда кўплаб ёшлар бошқа минтақаларда ишга жойлашиб, ўз малака ва тажрибаларини ўзлари билан олиб кетишмоқда.

Бу эса ҳеч кимни ортида қолдирмайдиган тўлиқ ва маҳсулдор бандликка эришиш учун асосий тўсиқдир.

Касаба уюшмалари норасмий ва ностандарт бандлик, шунингдек, сохта ўзини ўзи банд қилиш кўлами ошиб бораётганидан ҳам жиддий хавотир билдиради. Дунёда норасмий иқтисодиёт ходимлари сони 60 фоиздан, Европа ва Марказий Осиёда эса 25 фоиздан ортиқ ва бу рақамлар ортиб бормоқда.

Халқаро меҳнат ташкилотининг 107 та мамлакатдаги норасмий банд аҳолининг ижтимоий таркиби ҳақидаги маълумотлари ушбу мегамуаммонинг муҳим жиҳатларини ёритиб беради: норасмий банд ходимларнинг қарийб 60 фоизи ривожланаётган ва бозор иқтисодиёти шаклланаётган мамлакатларда истиқомат қилади.

**Касаба уюшмалари платформали бандликни тартибга солувчи Конвенция шаклидаги халқаро меҳнат стандарти қабул қилинишини, норасмий бандлик ва сохта ўзини ўзи банд қилиш муаммолари адолатли ечим топишини, шунингдек, қарам бўлган пудратчиларнинг меҳнат ҳуқуқлари тан олишини талаб қиладилар.**

**Касаба уюшмалари ходимларни назорат қилиш ва уларнинг ишини баҳолаш учун сунъий интеллектдан фойдаланишни номақбул деб ҳисоблайди.**

#### **4. Экология ва “яшил иқтисодиёт”га адолатли ўтиш**

Иқлим ўзгаришига қарши курашиш зарурати асосида “яшил иқтисодиёт”га адолатли ўтиш қайта тикланадиган энергия, энергия самарадорлиги ва барқарор қишлоқ хўжалиги каби тармоқларда миллионлаб янги иш ўринларини яратиши мумкин. Бу жараёнда ходимлар глобал иқтисодий ўзгаришлардан четда қолишига йўл қўйиб бўлмайди.

Жаҳон иқтисодиёти ривожланишидаги ижобий тенденцияларга атроф-муҳит аҳволининг ёмонлашуви, энергетика ва озиқ-овқат соҳасидаги муаммолар ҳамроҳлик қилиши инсонларга салбий таъсир кўрсатаётгани жиддий ташвиш уйғотади.

Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари иқтисодиёти хилма-хил, кўп тармоқли хусусиятга эга бўлиб, унда юқори технологиялик тармоқлар билан бир қаторда кўмир, тоғ-кон, норуда саноати, металлургия, кимё, нефт ва газ қазиб чиқариш, нефт ва газни қайта ишлаш, муҳофаа соҳаси ҳамда салмоқли агросаноат мажмуи бор.

Барқарор иқтисодий ривожланиш учун меҳнат муҳофазаси ва атроф-муҳит ҳимояси ўртасида яқин ички алоқалар бўлиши керак.

**Касаба уюшмаларининг таъкидлашича, “яшил” иш ўринлари яратилиши инсониятнинг XXI асрдаги иккита йирик муаммони ҳал қилишига умид уйғотади:**

- **иқлим ўзгариши хавфи ва потенциал назоратсизлигининг олди олинади ва Ер юзидаги ҳаётни қўллаб-қувватловчи атроф-муҳит ҳимоя қилинади;**

- **аҳолининг барча жойларда ва тез суръатлар билан ўсиб бориши, хусусан, қарийб бир миллиард киши ижтимоий-иқтисодий ҳаётдан четда қолиб кетиши мумкин бўлган вазиятда одамлар муносиб иш билан таъминланади ва шу орқали барча учун фаровон ва муносиб ҳаёт истиқболи яратилади.**

## **5. Тараққиёт меваларини адолатли тақсимлаш**

Иқтисодий ривожланган мамлакатларда иш ҳақининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 50 фоиздан ошган бир пайтда ривожланаётган мамлакатларда бу кўрсаткич баъзан 30 фоиздан ҳам паст.

“Олтин миллиард” мамлакатлари гуруҳида қўшимча қиймат меъёрида ифодаланган ходимларни эксплуатация қилиш даражаси 100 фоиздан анча паст.

Шу билан бирга, кўпчилик ривожланаётган мамлакатларда ва бир қатор постсовет мамлакатларида янги яратилган маҳсулот таннархида капиталистлар ўзига олиб қўядиган қўшимча қиймат улуши ёлланма ходимлар улушидан 3-5 баравар кўпдир. Бу шуни англатадики, масалан, саккиз соатлик иш куни давомида ходим бор-йўғи 2 соат ўзи учун ишлайди, қолган 6 соат давомида иш берувчига ишлайди ва унга қўшимча қиймат яратади.

Пенсия таъминоти масалаларида ҳам адолатсизлик кўп. Бугунги кунда дунё бўйлаб пенсия ёшидан ошганларнинг 22 фоизидан ортиғи ва паст даромадли мамлакатлардаги шу ёшдаги аҳолининг деярли 77 фоизи пенсия олиш имконига эга эмас.

Бундай ҳолат авлодлараро ва халқаро бирдамликка асосланган ижтимоий ҳимоя тизимларини долзарблаштиради.

**Касаба уюшмалари, ХМТ позицияси билан уйғун равишда, тараққиёт меваларини меҳнат ва капитал ўртасида адолатли тақсимлаш масаласи ижтимоий мулоқот ва жамоавий музокаралар предметига айланиши керак, деб ҳисоблайди.**

## **6. Меҳнат ва шахсий ҳаёт уйғунлиги**

Касаба уюшмалари саккиз соатлик иш куни ҳуқуқига бир асрдан кўпроқ вақт олдин эришган, буни ХМТнинг 1919 йилги Саноатда иш вақти тўғрисидаги конвенцияси таъминлаб берган.

Аммо бугунги кунда меҳнат ва шахсий ҳаёт ўртасидаги адолатли мувозанатга ҳамма жойда амал қилинмайди. Мисол учун, Қирқ соатлик иш ҳафтаси тўғрисидаги 47-сонли Конвенция фақат 15 та мамлакат томонидан ратификация қилинган.

Ҳафта давомидаги иш вақтининг 55 соатдан ортиши касб касалликларига чалинишнинг энг юқори эҳтимоли бўлган касбий хавф-хатар ҳисобланади, бу эса 2016 йилда дунё бўйлаб қарийб 745 минг нафар инсонларнинг бевақт ўлимига сабаб бўлди.

Бундай ҳол нафақат ижтимоий, балки иқтисодий оқибатларга ҳам олиб келади: муддатидан олдин вафот этган ходимларнинг юз минглаб фарзандларига боқувчисини йўқотганлик учун пенсия тайинланиши пенсия тизимига салбий таъсир кўрсатади.

Конференция иштирокчилари ХМТ Уставининг муқаддимасида иш вақтини тартибга солиш, шу жумладан, иш куни ва иш ҳафтасининг энг кўп давомийлигини белгилаш орқали меҳнат шароитларини яхшилашга даъват этилганини таъкидлайдилар.

Меҳнаткашларнинг дам олиш ҳуқуқи ҳам барча жойларда таъминланмаган: 52-сонли ва 132-сонли Ҳақ тўланадиган таътиллар тўғрисидаги конвенцияларни фақат 75 мамлакат ратификация қилган.

**Касаба уюшмалари дам олиш ва ҳордиқ чиқариш, шу жумладан, иш вақтининг оқилona чегараланиши инсоннинг ажралмас ҳуқуқи экани ҳақидаги умумий тушунчани тасдиқлайди.**

Маълумки, касаба уюшмаларининг вазифа ва функциялари ғоят серқирра, лекин касаба уюшмаларининг ташкилот сифатидаги асосий иқтисодий мақсади ходимларнинг иш ҳақини оширишдан иборат.

Иш ҳақи ва меҳнат унумдорлиги ўртасидаги тафовутга, шунингдек, меҳнат соҳасидаги тенгсизликнинг омили сифатида меҳнат даромадлари улушининг камайишига эътибор қаратиш лозим.



Иш ҳақининг оширилиши инфляцияни тезлаштиради, деган важлар масъулиятсизликдан бошқа нарса эмас, айти пайтда инфляциянинг ўсиши кўплаб мамлакатларда реал иш ҳақи ўсишига путур етказмоқда.

Меҳнатга ҳақ тўлаш соҳасида гендер тафовутни бартараф этишдаги муваффақиятлар тўхтаб қолди: аёллар ҳали ҳам эркакларга нисбатан камида 20 фоиз камроқ маош олади.

Ҳақ тўланмайдиган уй юмушлари ва парвариш ишлари юкламасининг катта қисми ҳали ҳам аёллар гарданига тушмоқда, бу эса тенгсизликни янада кучайтирмоқда.

Кам сонли мамлакатлар ижтимоий мулоқот орқали энг кам иш ҳақини мунтазам равишда қайта кўриб чиқади ва мослаштиради. ХМТнинг энг кам иш ҳақини ўрнатиш тўғрисидаги 131-сонли Конвенциясини фақат 54 мамлакат ратификация қилган.

### **Европа ва Марказий Осиё касаба уюшмалари:**

- **ходимлар ва уларнинг оила аъзоларининг эҳтиёжларини, шунингдек, иқтисодий омилларни ҳисобга олган ҳолда иш ҳақини белгилаш жараёнлари орқали тирикчилик учун зарур энг кам миқдорни амалиётга жорий этишга чақиради;**

- **муносиб иш ҳақиға бўлган ҳуқуқни ходимларнинг асос солувчи ҳуқуқи деб эълон қилиш ғоясини илгари суришни таклиф қилади.**

2023 йилда дунё бўйлаб қарийб 700 миллион киши халқаро қашшоқлик чегарасидан пастда кун кўрган, айти пайтда дунё ходимларининг қарийб 7 фоизи ўта қашшоқликда яшаган.

Тирикчилик учун зарур энг кам миқдор бўйича эришилган уч томонлама консенсус миллий, тармоқ ва маҳаллий даражада иш ҳақини белгилаш ва жорий этиш жараёнларида ўз ифодасини топиши керак.

**Касаба уюшмалари меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори тирикчилик учун зарур энг кам миқдордан кам бўлмаган даражада умумбелгиланиши тарафдори бўлиб, тирикчилик учун зарур энг кам миқдордан паст бўлган даромадларни фуқароларнинг солиқ солинадиган даромадларидан чегириб ташлашни таклиф қилади.**

## **7. Меҳнат соҳасида демократия**

Демократия ва меҳнат соҳасидаги асосий ҳуқуқлар тобора таҳдид остида бўлаётганига дунё гувоҳ бўлмоқда.

Уюшмалар эркинлиги, жамиятда тинчлик, демократия ва меҳнаткашлар ҳуқуқлари ҳимоячиси ролини ўз зиммасига оладиган кучли ва мустақил касаба уюшмалари яхши фаолият кўрсатадиган ижтимоий шартноманинг калити ҳисобланади.

Конференция иштирокчилари Халқаро касаба уюшмалари конфедерациясининг демократия учун глобал кампаниясини қўллаб-қувватлайди, зеро унинг асосий мазмуни ходимлар ўз иш жойларидаги барча жараёнларни назорат қилишлари керак, деган ғоядан келиб чиқади.

Ушбу кампания қуйидаги учта даражадан иборат:

а) жамиятлардаги демократия, яъни янги ижтимоий шартномани амалга ошириш;

б) иш жойини демократлаштириш, яъни меҳнат соҳасидаги асос солувчи тамойиллар ва ҳуқуқларга риоя қилиш;

с) глобал институтларни демократлаштириш.

**Касаба уюшмалари иш жойидаги демократия, асосий эркинликлар ва ижтимоий адолатни ижтимоий шартноманинг муҳим устунлари деб ҳисоблайди.**

## **8. Ҳамма учун ижтимоий ҳимоядан фойдаланиш имконияти**

Ижтимоий ҳимоя инсоннинг ажралмас ҳуқуқидир. У ўзаро мажбуриятларни рағбатлантириш баробарида ижтимоий имтиёзларни, уларга ким лойиқ, ким нолайиқ эканини мансабдор шахсларнинг субъектив тасаввурлари асосида камайтирилишининг олдини олиш орқали янги ижтимоий шартномани мустаҳкамлайди.

**Касаба уюшмаларининг фикрича, ижтимоий ҳимоя ва ижтимоий суғуртадан фойдаланиш имконияти барча фуқароларга берилиши янги ижтимоий шартноманинг тамал тоши бўлиши керак.**

## **9. Норма ижодкорлигини долзарблаштириш ва назорат механизмини яхшилаш**

Янгиланган ижтимоий шартноманинг самарадорлиги уни тартибга солувчи қоидаларнинг доимий долзарблиги ва қонунийлигига, шунингдек, ушбу қоидалар унинг субъектлари мажбуриятлари қанчалик аниқ белгилаб берилишига боғлиқдир.

**Конференция иштирокчилари халқаро меҳнат стандартлари мазмунини қуйидаги масалаларни янада кенгроқ қамраб олиш орқали долзарблаштиришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайдилар:**

- **инсон ҳуқуқлари ва адолатли ўтиш имконияти;**
- **умумий ижтимоий ҳимоя;**
- **меҳнат соҳасидаги асос солувчи тамойиллар ва ҳуқуқлар;**
- **неъматлар ва юкламаларни тақсимлаш;**
- **халқаро бирдамлик ва масъулият ижтимоий адолат ва мустаҳкам тинчликнинг асоси сифатида.**

**ХМТнинг мослашувчанлиги, тезкорлиги ва инклюзивлигини ошириш, шунингдек, унинг ижтимоий, иқтисодий ва молиявий сиёсат ўртасидаги уйғунликка эришиш йўллари топиш қобилиятини юксалтириш учун унинг назорат механизмини такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир.**